

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ИРОДАХОН ҒИЁЗЖОНОВНА**

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТОРТИНЧОҚЛИКНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
psychological sciences**

**Рахимова Иродахон Гиёзжоновна**

Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқликнинг психологик

хусусиятлари.....3

**Рахимова Иродахон Гиязжановна**

Психологические особенности застенчивости у детей младшего школьного  
возраста .....21

**Rakhimova Irodakhon Giyazzhanovna**

Psychological features of shyness in children of primary school  
age.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА ИРОДАХОН ҒИЁЗЖОНОВНА**

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТОРТИНЧОҚЛИКНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/P194 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нишанова Замира Таскараевна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Умаров Бахриддин Мингбоевич**  
психология фанлари доктори, профессор

**Тўйчиева Саодат Мелиқўзиевна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А.Акрамова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси психология фанлари  
доктори, доцент

**Н.Б.Атабаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, психология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.Ғ.Камилова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий енгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, психология  
фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мактаб тизимини ислох қилиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб, кичик мактаб ёши ўқувчилари шахслараро муносабатларида юзага келадиган эмоционал зўриқишлар, уларнинг психологик саломатлиги ва билимларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатади. Россия Таълим Академиясининг ёш физиологияси институти ҳисоботида кўра, «15–40 % кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда паст ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар учрайди»<sup>1</sup>, бунга эса турли омиллар сабаб бўлади. Бу борада, кичик мактаб ёши ўқувчиларида юзага келадиган тортинчоқлик паст ўзлаштиришга таъсир этадиган детерминатлардан бири ҳисобланади. Кичик мактаб ёши даврида вужудга келган ҳар қандай салбий эмоционал ҳолатлар, боланинг шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қилади. Шунга кўра, кичик мактаб ёши давридаги ўқувчилар тортинчоқлик хислатини тадқиқ этиш, уни бартараф этиш имкониятларини йўлга қўйиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида болаларда илк ёшданок тортинчоқликни камайтириш, бола-бола муносабатларида тортинчоқликни коррекция қилиш, тортинчоқликнинг шахс камолотидаги ўрни муаммоларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада кичик мактаб ёши давридаги ўқувчиларнинг билиш жараёнларини ривожлантиришда тортинчоқликнинг психологик хусусиятларини аниқлаш орқали улар билимларини ўзлаштириш жараёнига таъсир этувчи ижтимоий-психологик тўсиқларни бартараф этиш муаммосини махсус илмий тадқиқ этиш ҳамда зарур илмий хулосалар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда келажак авлоднинг билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишида, таълим-тарбияси, камолоти, муҳим қадрият сифатида қараш белгиланиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади»<sup>2</sup> ғоясини амалга оширишда «...ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмаклашиш»<sup>3</sup> масаласи устувор вазифалар этиб белгиланганлиги, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атворларидаги оғишларни бартараф этиш, таълим-тарбия жараёнини амалга оширувчи ўқитувчи ва ота-оналарнинг мазкур масалаларда дахлдорлик ҳиссини мувофиқлаштириш ва жорий этишда етарли асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлар, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон

1 <https://ivfrao.ru/> РТА ёш физиологияси институти ҳисоботи.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармон

«Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг №472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чоратadbирлари тўғрисида» Қарорлар, 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертацион тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини олимлардан Ш.А.Дусмухамедова, З.Т.Нишанова, П.С.Эргашев ва бошқалар томонидан маълум йўналишларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган, лекин кичик мактаб ёшидаги болаларда кузатиладиган тортинчоқликнинг психологик хусусиятлари ханузгача илмий-тадқиқот предмети сифатида илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан тортинчоқлик феномени А.Б.Белоусова, Л.Н.Галигузова, В.Н.Куницин, Л.В.Краснова, К.К.Платонов ва бошқалар томонидан илмий ўрганилган. Лекин мазкур муаммо кичик мактаб ёшидаги болаларда махсус психологик тадқиқотларнинг предмети сифатида комплекс ўрганилмаган.

Хориж олимларидан А.Adler, Z.Freud, K.G.Jung ва бошқа психоаналитикларнинг илмий ишларида ҳамда F.Zimbardo, K.Pilkonisлар томонидан шахс ривожланишида тортинчоқликнинг таъсири масалалари илмий тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170923121-рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқлик намоён бўлишининг психологик хусусиятларини ўрганиш ва коррекция қилишнинг амалий имкониятларини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ифодаланишига кўра тортинчоқликнинг ички ҳолатини тизимлаштириш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликнинг индивидуал ифодаланишига кўра дифференциал таъсири корреляцион таҳлиллар асосида далиллаш;

ота-онанинг тарбиядаги фарзандга салбий муносабатига кўра тортинчоқлик пайдо бўлишини исботлаш;

тортинчоқликни сусайтирувчи коррекцион тренинглари дастурини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда ўқувчиларда тортинчоқликни олдини олиш юзасидан педагог ва ота-оналарга психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқлик намоён бўлиши жараёни танланган бўлиб, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-сонли, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 6-сонли, Андижон вилояти 8-сонли умумий таълим мактабларининг 305 нафар 2 ва 4 синф ўқувчилари ва уларнинг 120 нафар ота-оналари иштирок этишган. Респондентларнинг умумий сони 615 нафарни ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқлик намоён бўлишининг психологик хусусиятлари, ушбу шахс хусусиятлари шаклланишига таъсир этувчи омиллардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, А.Б.Белоусованинг тортинчоқликни аниқлаш тести, Спилбергер ва Ханинларнинг «Шахсий ва вазиятли хавотирланиш даражасини баҳолаш» методикаси, Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикаси, Е.Шефернинг «Ота-она установкалари ва таъсирчанлигини ўлчаш» (PARY) методикаси, «Шахс коммуникатив хусусиятларини баҳолаш» сўровномасидан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиги математик-статистика методларидан К.Пирсоннинг  $r$ -корреляция коэффициентлари, Стъудентнинг  $t$ -мезони орқали тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда вазиятга ва шахсга боғлиқ хавотирланишнинг даражавий дифференциал ифодаланишига кўра «ташқи хатти-ҳаракатларда», «физиологик аломатлари», «ўзини ноқулай ҳис қилиш»нинг эмоционал интегратив таъсир этиши орқали тортинчоқлик шахсдаги ижтимоий-коммуникатив сифатида намоён бўлиши далилланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликнинг шаклланиши эмоционал турғунликнинг шахслараро муносабатларда мулоқотга йўналганлик хусусиятига интегратив намоён бўлиши туфайли ўз-ўзига берадиган баҳонинг даражавий ривожланганлигига боғлиқ эканлиги далилланган;

ота-она ва бола муносабатларидаги эмоционал интегратив ёндашувнинг шахс шаклланишига таъсири натижасида «гиперғамхўрлик», «авторитарлик», «эътиборсизлик», «психологик қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги» ноадекват ота-оналик установкаларига боғликлиги туфайли тортинчоқликнинг дифференциал намоён бўлиши асосланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликни сусайтириш учун хавотирланишни камайтириш, ўз-ўзига баҳони ошириш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган интегратив

психотехнологияларни тизимли комбинациясини амалда қўллаш самарали эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқлик намоён бўлишининг психологик хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи психодиагностик методикалар тизимлаштирилган;

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликни сусайтириш учун хавотирланишни камайтириш, ўз-ўзига баҳосини ошириш психокоррекция тренинг дастурлари ишлаб чиқилиб, амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган.

«Тортинчоқ бола оиласининг психологик хусусиятлари» мавзусидаги монография, «Тортинчоқлик психологияси», «Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқлик психокоррекцияси» илмий-услубий қўлланмалар нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, ривожланиш психологияси йўналишида амалиётчи мутахассислар томонидан кенг қўлланувчи методик воситалар, математик-статистиканинг турли даражадаги (бирламчи ва юқори даражалардаги) методлари комплекс қўллангани; респондентлар танланма тўпламининг ҳажми психологик тадқиқотларда тавсия этилган чегараларда бўлгани; илмий-назарий таҳлил, натижалар шарҳида ишончли манбаларга асосланганлик; асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахс ахлоқий ривожланишининг индивидуал-психологик ва объектив омиллари, ички механизмлари ҳақидаги илмий тасаввурларни бойитади, тортинчоқлик шаклланишининг психологик қонуниятлари ҳақидаги билимлар, ёш авлодни ахлоқий тарбияси жараёнини самарали ташкил этиш имкониятларини оширишга хизмат қилади, шахсда тортинчоқлик намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, тортинчоқликни келтириб чиқарувчи омиллар, тортинчоқликнинг намоён бўлиш шакллари ва жинс тафовутлари, оилавий муносабатлар негизида юзага келадиган психологик мазмун моҳияти очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тортинчоқлик шаклланишининг услубий воситаларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар психолог кадрлар амалий тайёргарлигини оширишга ёрдам беради, шунингдек, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасаларида «Ривожланиш психологияси», «Шахс психологияси», «Психологик хизмат асослари», «Ижтимоий психология» фанларини илмий манбалар билан бойитишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқлик ҳиссининг намоён бўлишининг психологик хусусиятларига оид муаммони тадқиқ этиш натижасида:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда вазиятга ва шахсга боғлиқ хавотирланишнинг даражавий дифференциал ифодаланишига кўра «ташқи хатти-ҳаракатларда», «физиологик аломатлари», «ўзини ноқулай ҳис қилиш»нинг эмоционал интегратив таъсир этиши орқали тортинчоқлик

шахсдаги ижтимоий-коммуникатив сифатида намоён бўлиши далиллашга оид илмий маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 15 ноябрдаги ПМ-10 буйруғига асосан «Умумий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 29 ноябрдаги ПМ-10-м маълумотномаси). Натижада педагог-психологларнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқлик ривожланишининг динамик ва ёшга оид хусусиятларини прогнозлаш имкониятини такомиллаштиришга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликнинг шаклланиши эмоционал турғунликнинг шахслараро муносабатларда мулкотога йўналганлик хусусиятига интегрatív намоён бўлиши туфайли ўз-ўзига берадиган баҳонинг даражавий ривожланганлигига боғлиқ эканлиги далилланганлигига доир илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 15 ноябрдаги ПМ-10 буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модулига киритилган Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 29 ноябрдаги ПМ-10-м маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида педагог-психологларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тортинчоқлик ривожланиш шарт-шароитлари ва механизмларини ривожлантиришга оид билимларини бойитиш имконияти пайдо бўлган;

ота-она ва бола муносабатларидаги эмоционал интегрatív ёндашувнинг шахс шаклланишига таъсири натижасида «гиперғамхўрлик», «авторитарлик», «эътиборсизлик», «психологик қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги» ноадекват ота-оналик установкаларига боғлиқлиги туфайли тортинчоқликнинг дифференциал намоён бўлиши асосланганлигига оид илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 15 ноябрдаги ПМ-10 буйруғига асосан «Ривожланиш психологияси» модулига киритилган Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 29 ноябрдаги ПМ-10-м маълумотномаси). Натижада бўлажак педагог-психолог мутахассисларни оилада ота-она-бола муносабатлари психологиясига оид ўқув машғулотлари мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликни сусайтиришга қаратилган тренинг дастури хавотирланишни камайтириш, ўз-ўзига баҳони ошириш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган интегрatív психотехнологиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 15 ноябрдаги ПМ-10 буйруғига асосан «Психологик тренинг асослари» модулига киритилган Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 29 ноябрдаги ПМ-10-м маълумотномаси). Мазкур моделнинг жорий этилиши натижасида кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқликнинг психологик хусусиятларининг мазмунини аниқлашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши.** Диссертациянинг асосий натижалари 2 халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.


**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот юзасидан жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (шу жумладан, 3 та илмий мақола республика журналларида, 2 та илмий мақола хорижий журналларда), 5 та маъруза тезис (шу жумладан, 3 та маъруза тезиси республика, 2 та маъруза тезиси хорижий илмий анжуман материаллари тўпламида), 1 та скопус, 2 та монография нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тортинчоқликнинг назарий ўрганилганлиги» деб номланган биринчи бобида тортинчоқлик тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, ўзбек тили, рус тили ва инглиз тилининг изоҳли луғатларида келтирилган таърифлар, унинг функциялари, келтирилган.



## 1-расм. Тортинчоқ боланинг ички ҳолати.

Тортинчоқлик энг оғир жисмоний хасталик каби инсон психикасини издан чиқариши мумкинки, унинг оқибатлари эса, ҳақиқатда ҳам бузувчи бўлиши мумкин:

Тортинчоқлик - янги одамлар билан учрашганда ва танишувларда қийинчиликлар туғдиради, ижобий кечинмалар қувонч бағишламайди; у шахсга ўз ҳақ-хуқуқларини талаб этиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга йўл қўймайди.

Тортинчоқлик бошқалар томонидан инсонга ижобий баҳо бериш имкониятини чегаралайди ва одамовилик ва ўзининг реакцияларидан ҳаддан ташқари ташвишланишнинг ривожланишига ёрдам беради.

Тортинчоқлик фикрнинг тушунарлилиги ва мулоқотнинг самаралилигига тўсқинлик қилади ва тортинчоқлик одатда тушкунликка тушиш, ташвишланиш ва ёлғизлик ҳисси билан бирга юради.

Диссертациянинг «**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги тортинчоқликнинг эмпирик ўрганилганлиги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари ақс эттирилган. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги тортинчоқлик даражаларини аниқлаш учун А.Б.Белоусованинг тортинчоқликни аниқлаш методикасидан фойдаландик. Олинган натижаларни қуйидаги 1-жадвалда ақс эттирдик.

Қуйидаги жадвалда кўриниб турганидек, 2-синфда жуда тортинчоқлар 6,6 % ни ташкил этса, 4- синфда бу кўрсаткич ундан-да камроқ, 3,8% ни ташкил этади. Тортинчоқлар 2-синфда 25 % ни ташкил этса, 4-синфда 28,3 % ни ташкил этади. Иккала гуруҳда ҳам синалувчилардир 31-32 % тортинчоқлардир. Қолган болаларда эса тортинчоқлик нормада ва тортинчоқ эмаслар ташкил этади.

### 1-жадвал.

#### Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тортинчоқлик даражалари бўйича тақсимланиши

Даражалари	2-синф (n=150)		4-синф (n=155)	
	Сони	%	Сони	%
Жуда тортинчоқлар	18	6,6%	12	3,8
Тортинчоқлар	28	25%	25	28,3
Нормада	67	48,4%	62	45%
Тортинчоқ эмаслар	38	20%	36	22,9 %

Шундай қилиб, жадвалдан кўриниб турганидек, биз тажриба ўтказган синалувчиларнинг учдан бир қисмида тортинчоқлик намоён бўлди. Бошқа болаларда эса тортинчоқлик нормада. Буни яна бир маротаба математик-статистик йўл билан текшириш учун улар орасидаги боғланиш Пирсоннинг г-корреляция коэффицентини аниқлаш орқали амалга оширилди.

### 2-жадвал.

## Тортинчоқлик ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишлар

	Тортинчоқлик	Шахсий хавотирланиш	Вазиятли хавотирланиш	Ўз-ўзини баҳолаш		
				қуйи	адекват	юқори
Тортинчоқлик	1	0,769*	0,123	0,598*	0,236	-0,759*
Шахсий хавотирланиш		1	0,145	0,796*	0,134	-0,698*
Вазиятли хавотирланиш			1	0,679*	0,326	-0,786*
Қуйи ўз-ўзини баҳолаш				1	0,245	0,238
Адекват ўз-ўзини баҳолаш					1	0,211
Юқори ўз-ўзини баҳолаш						1

Изоҳ: \* -  $p \leq 0,05$

Юқоридаги жадвалда кўришиб турганидек, тортинчоқлик ва шахсий хавотирланиш орасида мусбат боғланиш мавжуд ( $r = 0,769$ ,  $p \leq 0,05$ ), яъни кичик мактаб ёшидаги ўқувчида шахсий хавотирланиш қанчалик кучли бўлса унда тортинчоқлик ҳам шунчалик кучли бўлади. Тортинчоқлик ва ўз-ўзини қуйи баҳолаш орасида ҳам мусбат боғланиш мавжуд ( $r = 0,598$ ,  $p \leq 0,05$ ), кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик қуйи баҳоласа, унда тортинчоқлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Тортинчоқлик ва ўз-ўзини юқори баҳолаш орасида манфий боғланиш мавжуд ( $r = -0,759$ ,  $p \leq 0,05$ ), кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик юқори баҳоласа, унда тортинчоқлик шунчалик кам бўлади. Шахсий хавотирланиш ва ўз-ўзини қуйи баҳолаш орасида ҳам мусбат боғланиш мавжуд ( $r = 0,796$ ,  $p \leq 0,05$ ), кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик қуйи баҳоласа, унда шахсий хавотирланиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Шахсий хавотирланиш ва ўз-ўзини юқори баҳолаш орасида манфий боғланиш кузатилади ( $r = -0,698$ ,  $p \leq 0,05$ ), яъни кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик юқори баҳоласа, унда шахсий хавотирланиш шунчалик кам бўлади.

Вазиятли хавотирланиш ва ўз-ўзини қуйи баҳолаш орасида мусбат боғланиш мавжуд ( $r = 0,679$ ,  $p \leq 0,05$ ), кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик қуйи баҳоласа унда вазиятли хавотирланиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Вазиятли хавотирланиш ва ўз-ўзини юқори баҳолаш орасида манфий боғланиш мавжуд ( $r = -0,786$ ,  $p \leq 0,05$ ), кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзини қанчалик юқори баҳоласа, унда вазиятли хавотирланиш ҳам шунчалик оз намоён бўлади.

Шундай қилиб, шахсинг тортинчоқлиги, хавотирланиши ва ўз-ўзини баҳоланиши орасида мусбат боғланишлар намоён бўлди.

Тадқиқотда ота-она томонидан фарзандга ўта қаттиқ-қўллик ўрнатилгани, уларнинг эътиборсизлиги ва оилада болани психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги туфайли тортинчоқлик пайдо бўлиши мумкинлигини аниқлаш учун бошланғич синф ўқувчилари ота-оналари билан эмпирик текширув ишлари ташкил этилди.

**3-жадвал.**

**Е.Шефернинг PARY («Ота-она установакалари ва таъсирчанлигини ўлчаш») методикаси бўйича олинган натижалар**

	<b>1-омил</b>	<b>2-омил</b>	<b>3-омил</b>
<b>Синалув-чилар сони</b>	<b>Гипергамхўрлик %</b>	<b>Болага муносабатда демократиянинг мавжудлиги %</b>	<b>Тарбияда ўз хукмини ўтказиш - Авторитарлик муносабат %</b>
Эркак 38	46,0	15,5	38,5
Аёл 82	57,0	11,0	32,0

Олинган жадвал натижаларига асосланиб, қуйидагича сифат таҳлил амалга оширилди. Методикамизнинг 1-омили бўйича эркакларда 46%, аёлларда эса 57% ташкил қилади. Унга кўра ушбу омилларнинг яққоллиги шундан далолат берадики, ота-оналар фарзандлари тўғрисида ҳамма нарсани билишга, уни ҳаёт қийинчиликлари, машаққатларидан асрашга, ҳаракат қиладилар, бу эса қиз ёки ўғил болани чарчатиши мумкин. Болалар доимо ота-оналарига кулоқ солишлари, ота-оналар ўзларининг мавжудлигини доим таъкидлаб, ўз фарзандларини бегона таъсирлардан асрашга ҳаракат қиладилар. Кўриниб турганидек, эркакларга нисбатан аёллар фарзандларига керагидан ортиқ гамхўрлик қилишади, яъни бунда боланинг онага тобелиги устун туради.

Ота-онанинг фикрича, фарзанд ҳар қандай вазиятда ҳам низолардан йироқ юриши лозим, келишмовчиликлар келиб чиққанда эса, фақат катталарга мурожаат қилиши лозим. Ота-она тарбиясидаги ушбу ўзига хос хусусиятлар боланинг юмшоқ (босиқ), гапга кирадиган бўлиши, унинг етарли даражада вояга етмаганлиги, шунинг учун ҳам катталарга тобе бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Ота-онанинг фарзандига нисбатан гамхўрлик қилиши, фарзандининг турли ташқи таъсирлардан химоя қилиб, асраб-авайлаши бу нормал ҳолат, яъни бу ота-онанинг вазифаси ҳисобланади, лекин бу гамхўрлик меъёридан ошиб кетса, унда фарзандининг эркин ҳаракат қила олмаслигига, мустақил қарорлар қабул қила олмасликка, ўзига нисбатан ишончнинг ривожланмаслигига ва бу ўз навбатида тортинчоқликни ривожланишига ва намоён бўлишига олиб келади. Ҳар қандай вазиятда ота-онасига суяниб қолиши ва ота-онага доим тобе бўлиб қолишига, боланинг асабий бўлиб шаклланишига сабаб бўлади.

2-омил бўйича натижалар 15,5% эркаклар, аёллар эса 11% ташкил қилади. Омилнинг бир томони ота-оналарнинг ўғил ёки қиз билан демократик муносабатда бўлишни инкор этишади, уларнинг ўзлари мустақил бўлишни ундайди ва аксинча, қарама-қарши томони ота-оналарнинг фарзандга нисбатан демократик муносабатни ижобий баҳолашади. Яъни, ота-оналар фарзандларига ўз фикрини баён этиш имконини берадилар, у билан ҳисоблашадилар, эркин фикр алмашишади, фарзанд билан тенг дўстона муносабатда бўладилар, унинг ҳаётидаги барча ишларида қатнашишга ҳаракат қиладилар, унинг қизиқишларини ҳурмат билан баҳам кўрадилар, психологик жиҳатдан доим қўллаб-қувватлаб турадилар ва арзимас ижобий ютуқлари билан ҳам рағбатлантирадилар. Натижада шу маълум бўлдики, аёлларга нисбатан эркаклар фарзандлари билан демократик муносабатни осонроқ ўрната олар эканлар.

Тарбияда ўз ҳукмини ўтказиш (диктат) – авторитарликдан юз ўгириш омили бўйича эркакларда 38,5%, аёлларда 32% ташкил қилди. Бу омилга биз оилада эр ва хотин муносабатларини ҳам киритдик. Чунки, оилада ота-онанинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатлари ҳам бола шахсини шаклланишида катта роль ўйнайди. Ушбу омилнинг яққоллиги ота-оналарда фарзанд тарбиясига нисбатан авторитар йўналиши мавжудлигидан далолат беради. Ота-оналарнинг фикрича, қаттиқ қўллик билан тарбиялаш бола учун янада самаралироқ бўлади, улар болада бартараф қилиш лозим бўлган, аҳмоқона ҳаракатларга мойилликлар бор деб тахмин қиладилар. Бундай ҳолатда ота-оналик мажбуриятларининг бажарилиши жиззакилик, уларнинг мушкуллиги билан кузатилади. Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, ота-онанинг жиззакилиги, қаттиқ қўллиги, ота-оналик мажбуриятларининг малол келиши (оғирлик қилиши) билан кузатиловчи эр-хотинлар орасидаги келишмовчиликлар ва тарбияда диктатнинг амалга оширилиши, оиланинг умумий нотинчлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Ота ва она доим фарзанди учун ҳамма нарсани ҳал қилиши, боланинг ўзи мустақил у ёки бу вазифаларни бажара олишига ишонч ва имкон билдирмаслик, унинг иродасини сўндириш, болага доим айтилган вазифаларни бажарувчи инсондек қараш ва руҳий жиҳатдан болани қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги, шунингдек, оилада эр ва хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, ота томондан онага тўлиқ эътибор берилмаслиги, оилада тажанг муҳитнинг мавжудлиги, болани худбин, жиззаки, асабий ёки аксинча, пассив, ўзини кераксиз инсондек, ёлғиз ҳис қилишига, жуда тортинчоқ бўлиб қолишига олиб келади.

Демак, умумий равишда болада тортинчоқлик шаклланишига унинг ота-онаси билан бўлган муносабатларига хос қуйидаги хусусиятлар айниқса муҳим роль ўйнайди:

бола фаоллигининг эрта болалиқдан чекланиши;

боланинг бирор жисмоний нуқсонига болалигида кўп урғу берилиши;

ота-онанинг бола ҳаракатларидан норозилигини жаҳл билан намоён этишга одатлангани;

ота-оналар агрессивлиги ва авторитарлиги, бола индивидуаллигини эътиборга олмаслиги ҳамда ўз талабларини тарбия жараёни учун ягона асос қилиб олиши.

Биз тадқиқотда тортинчоқлик ўқувчининг коммуникатив қобилиятлари қай даражадалигини аниқлаш мақсадида шахс коммуникатив хусусиятларини баҳолаш сўровномаси ўтказилди. Методика натижалари миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва диаграммаларда акс этирилди.

#### 4-жадвал

#### Ўқувчиларда коммуникатив қобилиятларнинг намоён бўлиши

№	Сифатлар	2-синф	4-синф
1.	Мулоқотчанлик	60,7%	68,6 %
2.	Ташкилотчилик	42%	49,3%
3.	Атрофдагилар билан ўзаро муносабат	57%	62,5%
4.	Эмпатия	27,3%	36,5 %
5.	Агрессивлик	16,7%	28,6%
6.	Ҳимоясизлик	37,8%	16,4%
7.	Аразгўйлик	33,6%	22,5%
8.	Адолатлилик	23%	28,7%
9.	Тўғрисиўзлик	48,9%	33,5%
10.	Илтифотлилик	23,3%	13,3
11.	Меҳнатсеварлик	31,3%	42,4 %
12.	Ишонч	16,4%	28,6%

Жадвал натижаларидан синалувчиларнинг 60,7% ва 68,6 % мулоқотчанлик қобилияти ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Улар инсонлар билан муомала, мулоқотга киришувчанлик қобилияти устуворлиги билан изоҳланади. Синалувчилар орасида ташкилотчилик қобилияти 42% ва 49,3% ни ташкил қилиб, уларда жамоатчилик малакалари, ўзаро ҳурмат ҳиссининг шаклланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Атрофдагилар билан ўзаро муносабат синалувчилар ўртасида 57% ва 62,5% ни ташкил қилиб, атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабатнинг қарор топганлигидан далолат беради. Эмпатия ўзгаларни дардини ҳис қилиш қобилияти синалувчилар орасида 27,3% ва 36,5 % ташкил қилиб, ўзларида кечаётган руҳий ўзгаришларни таҳлил қила олиш қобилиятининг шаклланганлиги билан белгиланади.

Агрессивлик 16,7% ва 28,6%ни ташкил қилади. Унга кўра, болаларнинг аксарият қисмида агрессивлик ҳисси кучайиб бориши билан изоҳланади.


Синалувчилар орасида ҳимоясизлик 2-синф ўқувчиларида юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 37,8% ва 16,4% ни ташкил қилади. Унга кўра 4-синф ўқувчиларида ўзини ўзи ҳимоя қилиш малакаларининг шаклланганлигини кўриш мумкин. Аразгўйлик сифати синалувчиларда 33,6% ва 22,5% ни ташкил

қилади. Адолатлилик хусусияти катталарнинг уларга нисбатан муносабатларида ўзларига нисбатан адолатсизлик мезон бўлиши мумкин. Тўғрисиўзлик синалувчилар орасида 48,9% ва 33,5% ни ташкил қилиб, бу улардаги ёш ўтган сари атрофдагиларни таъсири натижасида ёлғон гапиришга ўрганиш ҳолатлари юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Илтифотлилик сифати синалувчилар орасида 23,3% ва 13,3% ни ташкил қилиб, дастлаб болада катталарга нисбатан илтифот кўрсатадиган бўлса, кейинчалик болада эгоистик хусусиятларнинг шаклланганлигини изоҳлаш мумкин. Натижалар таҳлилидан кўришимиз мумкин, ижодкорлик, мустақилликнинг хусусияти тескари пропорцияга эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Уларда мустақиллик сифатининг ортиши итоаткорликни камайишига олиб келади. Шунингдек, болаларда мустақилликни ортиши уларда қатъиятлиликни кучайишига олиб келади. Бундан кўринадики, уларда бир мунча атрофдаги нарсаларга ички интилишларининг ўсиши билан тавсифлаш мумкин.

Методика натижаларидан кўриш мумкинки, меҳнатсеварлик 2-синф ўқувчиларида 31,3% ни ва 4-синф ўқувчиларида 42,4 % ни ташкил қилади. Унга кўра, болалар билан олиб бориладиган ҳар бир фаолият уларда меҳнат малакаларини шакллантиришга қаратилган.

Синалувчилар гуруҳида ўзига нисбатан ишонч сифатининг шаклланиши 2-синф ўқувчиларида 16,4% ва 28,6% ни ташкил қилади. Натижалардан кўриш мумкинки, уларда турмуш тажрибаларининг ортиши билан кўникма, тасаввурларини кенгайиши уларда ўзига нисбатан ишончнинг ортишига сабаб бўлади. Методика натижаларидан шуни кўриш мумкинки, шахслараро муносабатларга киришишда шахснинг мулоқот малакалари муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, уларда муносабат ўзаро алоқа ўрната олиш қобилиятини таркиб топганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг «**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқлик коррекцияси**» деб номланган учинчи бобда кичик тортинчоқлик психокоррекциясининг назарий таҳлили келтирилган. Бунда рақс терапияси, психогимнастика, релаксацион машқлар, аутоген машқлар, медитация техникаларидан кенг фойдаланилди. Сценарийга киритилган барча машқ ва топшириқлар кичик мактаб ёшидаги болаларда намоён бўладиган хавотирланиш, шахслараро мулоқотга кириша олмаслик, ўз-ўзига нисбатан ноадекват, паст баҳо бериш, мустақил фикрини айтишга қийналиш, уялиш, тортинчоқлик ҳиссиётларини бартараф этиш мақсадида ва шу билан бирга мулоқотчанлик сифатларини оширишга, тўғри муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш учун хизмат қилади.




**3-расм. Тортинчоқликни коррекция қилишнинг умумий схемаси.**

Шакллантирувчи тажрибанинг самарадорлигини аниқлаш учун А.Б.Белоусованинг тортинчоқликни аниқлаш методикасини қайта ўтказдик. Олинган натижаларни қуйидаги 4-расмда акс эттирдик.

2-синфда жуда тортинчоқлар 6,6 % ни ташкил этса, 4- синфда бу кўрсаткич ундан-да камроқ, 3,8% ни ташкил этади. Тортинчоқлар 2-синфда 25 % ни ташкил этса, 4-синфда 28,3 % ни ташкил этади. Иккала гуруҳда ҳам синалувчиларнинг 31-32 % тортинчоқлар. Қолган болаларда эса тортинчоқлик нормада ва тортинчоқ эмаслар ташкил этади.

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, корекцион дастурдан сўнг назорат гуруҳида жуда тортинчоқлар 2,3 % га камайди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 6,6 % га тенг бўлган. Тортинчоқлар 2-синфда экспериментал гуруҳда 6,7% га, назорат гуруҳида 25 % га тенг бўлган.



**4-расм. 2-синф ўқувчиларида назорат тажрибаларида тортинчоқликнинг намоён бўлиши**

Тортинчоқлик нормада бўлган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 2-синфда экспериментал гуруҳда 40 %, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 48,4 % ни ташкил этди. Тортинчоқ эмас кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар 2-синфда экспериментал гуруҳда 51 % , назорат гуруҳида 20 % ташкил этди.



**4-расм. 4-синф ўқувчиларида назорат тажрибаларида тортинчоқликнинг намоён бўлиши**

4- синфда жуда тортинчоқлар назорат гуруҳидаги 3,8 % дан 1,8 % га камайган.

Тортинчоқлар 28,3 % дан 5,2 %га камайган.Тортинчоқлик меъёрада бўлганлар ҳам 45% дан 43 % га ўзгарган.

Тортинчоқ эмаслар экспериментал гуруҳда 50 % га ортган. Шундай қилиб, расмлардан кўриниб турганидек, биз махсус коррекцион дастур ўтказган гуруҳларда тортинчоқлик сезиларли камайган. Бу эса биз тузган коррекцион дастурнинг самаралилигидан далолат бериб турибди.

## ХУЛОСА

«Кичик мактаб ёшидаги болаларда тортинчоқликнинг психологик хусусиятлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тортинчоқлик – мураккаб, комплекс ҳолат бўлиб, у турли шаклларда намоён бўлиши мумкин, бу шунчаки уялиш, одамовилик, ўнғайсизлик, хавотир ва босим остида бўлиш каби бўлиши ҳам мумкин. Лекин айрим ҳолларда тортинчоқлик одамни нафақат нутқдан маҳрум этади, балки хотирани ва идрокни ҳам издан чиқаради. Шунингдек, у психик бузилишларнинг сурункали шаклини ҳам касб этиши мумкин. Қуйидагилар сурункали тортинчоқликнинг кўринишларига мисол бўла олади: алкоголизм, зўрлаш, одам ўлдириш, депрессия ва энг охириги қадам – ўз жонига қасд қилиш. Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, тортинчоқликнинг яхши томонлари ҳам бор. У мустақиллик ва индивидуалликни ривожлантиришда салмоқли роль ўйнайди. Тортинчоқлик шахсдаги шилқимликнинг камайишига ёрдам беради, ўзини танқид қилишни кучайтиради, бу эса ноадекватроқ бўлган «Мен» концепциясининг шаклланишига қўмаклашади.

Демак, тортинчоқлик – нафақат муаммоли ҳодиса, балки айрим одамлар учун у жуда ҳам мос ҳаёт тарзидир.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги тортинчоқлик ўзига ишонмаслик, ўз-ўзига қуйи баҳо бериш, юқори шахсий хавотирланиш оқибатида вужудга келади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ифодаланишига кўра «ташқи хатти-ҳаракатларда», «физиологик аломатлари», «ўзини ноқулай ҳис қилиш» кабилар тортинчоқликнинг ички ҳолати сифатида тизимлаштирилди.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тортинчоқликнинг индивидуал ифодаланишига кўра «шахсий хавотирланиш», «вазиятли хавотирланиш», «қуйи ўз-ўзини баҳолаш» каби хусусиятлар билан дифференциал таъсири корреляцион таҳлиллар асосида илмий далилланди.

4. Ота-онанинг тарбиядаги фарзандга салбий муносабатига кўра, «гиперғамхўрлик», «авторитарлик», «эътиборсизлик», «психологик қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги» туфайли тортинчоқлик пайдо бўлиши асосланди.

5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги тортинчоқлик ўз-ўзига адекват баҳо беришга ўргатиш, ўз-ўзига ишончни орттириш, хавотирланишни камайтириш, коммуникатив кўникмаларни орттириш ҳисобига бартараф этилиши мумкин.

Тадқиқотнинг хулосаларига асосланиб ҳамда тортинчоқликнинг шахс хулқ-атворида таъсири билан боғлиқ турли салбий оқибатларнинг олдини олиш, комил инсон тарбиялаш ғоясига таянган ҳолда бир қанча **тавсиялар** ишлаб чиқдик. Хусусан, **ота-оналар** бола тарбиясида қуйидагиларга эътибор беришлари лозим деб ҳисоблаймиз:

болани тарбиялашда кўрқитиш усулининг тезкор самарадорлигини суистеъмол қилмаслик, оғзаки тушунтириш ва ўрнак бўлиш орқали ёндашиш усулининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

болага ҳаддан ташқари кўп талаб қўймаслик;

бола хулқ-атворидаги фақат салбий жиҳатларга эътибор бермай, балки ижобий тарафларини ҳам кўра олиш;

бола қийинчиликка дуч келганида унга руҳан кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш, ютуққа эришганида эса ҳеч бўлмаганда оғзаки рағбатлантириш;

болани ҳадеб танқид қилавермаслик;

болага ўз имкониятларини эркин намоёйиш эта олиши учун шарт-шароит яратиб бериш.

Ўқув муассасаларида **ўқитувчилар** эса қуйидаги ҳолатларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ:

ўқувчиларга таълим-тарбия беришда фақат авторитар услубдан фойдаланиш ва кўрқитиш усуллари кўллаш ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш;

ўқувчиларга топшириқ беришда уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни танқид қилмаслик, бошқа ўқувчилар кўз ўнгида уришмаслик;

ўзлаштиришда қийналадиган ўқувчилар билан алоҳида ишлаб, қўшимча машғулотлар олиб бориш.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардаги тортинчоқлик ҳолатини олдини олиш ва бартараф этиш учун **мактаб психологлари** томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

ҳар бир ёш даврида болаларнинг руҳий ва шахс ривожланишидаги сифат ўзгаришларини ўрганиб бориш, ёш давридаги «инқироз»ларни «назорат» остига олиш;

болаларнинг психик тараққиёти, ривожланишини мунтазам кузатиб бориш, психопрофилактика ва психогигиена ишларини самарали йўлга қўйиш;

тортинчоқлик даражаси юқори, ўз-ўзига баҳо бериши ноадекват, агрессивлиги кучли бўлган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан психокоррекцион ишлар олиб бориш;

шахсда ўз кучи ва имкониятига ишонч ҳиссини тарбиялаш, мустақил фикр юритиш малакаларини таркиб топтириш, ўз шахсига нисбатан онгли муносабатни шакллантириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РАХИМОВА ПРОДАХОН ГИЁЗЖОНОВНА**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЗАСТЕНЧИВОСТИ У ДЕТЕЙ  
В МЛАДШЕМ ШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития**

**АВТОРЕФЕРАТ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПСИХОЛОГИИ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/P126.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Нишанова Замира Таскараевна**  
доктор психологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Умаров Бахриддин Мингбаевич**  
доктор психологических наук, профессор

**Туйчиева Саодат Меликузиевна**  
кандидат психологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный  
Университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_\_). (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Ф.А.Акрамова**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученой степени, доктор  
психологических наук, и.о.профессор

**Н.Б.Атабаева**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени, доктор философии по  
психологическим наукам (PhD), доцент

**Н.Г.Камилова**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д. психол. н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии ( PhD ) )**

**Актуальность и значимость темы диссертации.** Вопрос реформирования школьной системы в мировом сообществе остается одной из актуальных проблем. В частности возникающее психоэмоциональное напряжение в межличностных отношениях младших школьников оказывают негативное воздействие, как и на их психологическое состояние, так и на общий показатель школьной успеваемости. Следует отметить, что среди статистических данных у 15-40% младших школьников имеются трудности в усвоении учебного материала (Россия, Академия образования, институт возрастной физиологии<sup>4</sup>). Принимая данную проблему за основу следует отметить, что на показатель успеваемости оказывают влияние различные факторы, среди которых отдельно выделено чувство застенчивости, как детерминанта низкого показателя успеваемости. Возникшие негативные эмоциональные состояния в жизни младших школьников становится препятствием (барьером) в формировании личности. Следовательно, изучение и преодоление чувства застенчивости младших школьников является актуальной задачей и обоснованно важной проблемой возрастной психологии.

В Международных научных исследованиях НИИ и НПЦ проблема застенчивости раскрывается в следующих актуальных направлениях: в системе решения проблем совершенствования механизмов общения; в изучении механизмов преодоления застенчивости начиная с раннего возраста, особенно в решении вопросов коррекции поведения и коррекции застенчивости в системе «ребенок-ребенок»; исследования посвященные раскрытию методологических проблем изучения застенчивости и выявлении роли в формировании гармоничной личности. Кроме того отдельное пристальное внимание уделяется изучению проблем выявления влияния застенчивости на освоение учебного материала в младшем школьном возрасте.

В то время как наша Республика продолжает укреплять свои позиции на мировом уровне, стабильность развития общества зависит от научного, духовного потенциала и становления гармоничной личности подрастающего поколения. С самого начала становления независимости Республика Узбекистан берет направление на формирование гармонично развитой личности в единстве с общественным прогрессом в связи с чем особое значение придается реформированию и совершенствованию системы воспитания и образования и подготовки научных кадров в соответствии с международными стандартами. Президент Узбекистана Ш.М.Мирзиёев в своей речи отметил, что «Новый Узбекистан начинается с порога школы с воспитательно-образовательной системы<sup>5</sup>». Идея о реформировании и преобразовании системы школьной подготовки дает начало к изучению личности младшего

---

<sup>4</sup> <https://ivfrao.ru/> РТА ёш физиологияси институти хисоботи.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 202029 декабрь. / «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

школьного возраста. В связи с чем выявление, изучение застенчивости, факторов её возникновения и разработка мер коррекционного воздействия становится актуальной, требующей своевременного решения задач.

